

РАҚОБАТ МУҲИТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИК ДИАЛЕКТИКАСИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-137-144>

Алиматова Наргис Абдухалиловна

ТДИУ “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси доценти, ф.ф.н.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг аъзоси сифатида рақобат майдонига кириб келганлиги ва “рақобат”, “рақобат муҳити” ва “рақобатбардошлик” тушунчаларини назарий жиҳатдан ўрганиш кераклиги асосланган. Шу билан бирга “рақобат” тушунчаси қадимги давр фалсафасидаёқ ўз талқинига эга бўлганлиги кўрсатилган. “Рақобат”, “рақобат муҳити” ва “рақобатбардошлик” тушунчаларининг маъноси ва ижтимоий-фалсафий мазмуни аниқлаштирилди. Улар ўзаро алоқадорлигининг муҳим жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: қадимги дунё фалсафаси, рақобат, рақобат муҳити, рақобатбардошлик.

АННОТАЦИЯ

В этой статье обосновано, что Узбекистан входит в конкурентное поле как член международного сообщества и необходимость теоретического изучения понятий “конкуренция”, “конкурентоспособность”, “конкурентная среда”. Вместе с этим, показано, что уже в древней философии понятие “конкуренция” имела свою интерпретацию. Уточнены смысл и социально-философское содержание понятий «конкуренция», «конкурентная среда» и «конкурентоспособность». Выделены важные аспекты их взаимосвязи.

Ключевые слова: философия древнего мира, конкуренция, конкурентоспособность, конкурентная среда.

ABSTRACT

This article substantiates that Uzbekistan enters the competitive field as a member of the international community and the need for a theoretical study of the concepts of “competition”, “competitiveness”, “competitive environment”. Along with this, it is shown that already in ancient philosophy the concept of “competition” had its own interpretation. The meaning and socio-philosophical content of the concepts “competition”, “competitive environment” and “competitiveness” are clarified. Important aspects of their relationship are highlighted.

Keywords: philosophy of the ancient world, competition, competitiveness, competitive environment.

КИРИШ

Ҳозирги глобаллашув даврида ривожланиб келаётган давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам рақобат кураши иштирокчисига айланиб бормоқда. 2030 йилга қадар жаҳонда ривожланган давлатларнинг 50талигига кириш режалаштирилган. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг энг илғор олий ўқув юртларидан ЎЗМУ, Самарқанд давлат университети дунёнинг 500 энг кучли олий ўқув юртлари қаторига кириши керак. Хуллас, дунёдаги мамлакатлар турли соҳалар: иқтисодиёт, таълим соҳалари, фан йўналишлари, спортда жаҳоннинг энг илғор давлатлари эришган ютуқлар сари интилоқдалар. Янгиланиб бораётган Ўзбекистон ҳам ўз навбатида халқаро миқёсдаги ўз мавқеини кўтаришга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 28 май куни иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти билан алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бу эса ички бозорда рақобат муҳитини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатдошлигини оширишни талаб этади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида рақобат масаласи принципиал аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашиш борасида мутлақо янги тизим яратиш лозимлиги таъкидланди. Олий таълим тизимида рақобатни ривожлантириш йўналиши бўйича алоҳида факультет, кундузги ва сиртки ўқиш шаклини очиш, янги фан жорий қилиш ва ушбу мақсадлар учун академик соатлар ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб, “рақобат”, “рақобат муҳити”, “рақобатбардошлик” тушунчаларини тарихий эволюциясини ўрганиш, уларнинг алоқадорлиги қонуниятларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

МЕТОДЛАР

Тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги методини қўллаган ҳолда рақобат, рақобат муҳити ва рақобатбардошлик тушунчаларининг ижтимоий-фалсафий эволюцияси ўрганилди. “Рақобат” тушунчасини тадқиқ этиш жараёнида унинг

асосан иқтисодий фанлар доирасида ҳамда классик иқтисод мактаби вужудга келиши билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилганлигини кўриш мумкин. Лекин фалсафа тарихига оид адабиётлар ўрганилганда, қадими дунё фалсафий таълимотларидаёқ ушбу тушунчаларга оид қарашларни учратиш мумкин. Жумладан, Қадимги Ҳиндистон фалсафасининг ёдгорлиги “Дхаммапада” асарида жумладан яна шундай дейилган: “Душман душманга ёки нафратланувчи киши ўзи нафратланган кишига нимаики қилмасин, нотўғри йўналтирилган фикр янада ёмонроқ оқибатларга олиб келиши мумкин. Инсон бошқаларнинг амалга оширилган ва оширилмаган ишларига эмас, балки ўзининг қилинган ва қилилмаган ишларига эътибор берсин”[1, с.129]. Юқоридаги фикрдан кўриниб турибдики, буддавийликда инсонлар ўртасидаги кураш рақобатнинг бир кўриниши сифатида тавсифланганлиги маълум бўлади.

Қадимги Хитой фалсафасида конфуцийчиликнинг дастлабки даври (мил.ав. VI-III асрлар)да яшаган Сюнь-цзи (мил.ав. 300-215 йй.): “Инсон ёвуз табиатга эга. Инсондаги яхшилик орттирилган хусусиятдир. Ҳозирги инсон туғилганидан бошлаб фойдага интилади. Бу эса инсонлар ўртасида рақобатга олиб келади. Одамлар бир-бирига йўл бермасликка интилади. Инсон туғилганидан бошлаб нафрат билан яшайди. Одамлар шу нафратга бўйсуниб яшасалар, уларнинг бир-бирига ёмонлик қилиш хоҳиши пайдо бўлади ва ҳеч қандай ишонч ва вафодорлик тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас бўлиб қолади. Туғилгандан бошлаб кулоқлар ва кўзлар лаззатланишга ўч бўлади: кулоқлар ёқимли овозлар, кўзлар чиройли ва ўзаро мувофиқ ранглари ёқтиради. Одам табиатининг ушбу томонига эътибор берилса, ахлоқсизлик вужудга келади ҳамда *ли* қоидалари, адолат ва бурч ҳақида гапириш мумкин бўлмайди. Шундай қилиб, инсоннинг туғма табиатига амал қилиш, ҳиссиётларга бўйсуниб рақобатни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатда барча инсонлар ўрнатилган тартиб ва яхшихулқлиликни бузадилар, бу эса давлатда тартибсизликка олиб келади. Шунинг учун тарбия йўли билан, *ли* қоидалари, адолат ва бурчни ўргатиш орқали инсон табиатини ўзгартириб бориш лозим”[1,с.230]. Конфуцийнинг фалсафий таълимотида инсонларнинг табиатидаги фойдага интилиши рақобатни келтириб чиқарувчи сабаб сифатида ахлоқий жиҳатдан қораланиши кўриниб турибди.

Қадимги Юнонистонлик файласуф Эпикур(мил.ав. 342/341-270/271 йй.)нинг фикрича: “Доимо кулиб, фалсафа билан шуғулланиб, айна пайтда хўжалик билан машғул бўлиш, бошқа қобилиятлардан фойдаланиш ҳамда ҳақиқий фалсафий мулоҳазаларни изҳор этиш лозим. Табиатни ўрганиш

мактанчоқ ва кибрли бўлмаган, одамлар тўдаси олдида рақобат мавзуси бўлган ўз маълумотини намоёни қилмайдиган, лекин шу билан бирга мард бўлган, шарт-шароит туфайли эмас, балки ўзлари эришган шахсий ютуқларидан рози бўлган ва ғурурланадиган инсонларни вужудга келтиради. Ҳеч кимга ҳасад қилиш керак эмас: эзгу инсонлар ҳасадга лойиқ эмас, ёвузлари эса бахтлироқ бўлганлари сари ўзларига зиён етказдилар”[1, с.359]. Ушбу келтирилган парчадан кўриниб турибдики, рақобат устунлигига эга бўлган кишилар бошқа кишилардан устун бўлишлари баён қилинган.

Юқорида келтирилганлар далолат беришича, қадимги дунё фалсафасида ҳам рақобат муаммоси ёритилган ва унга хос бўлган жиҳатлар мазмуни очиқ берилган.

Тадқиқот доирасида анализ ва синтез, таққослаш методларидан фойдаланган ҳолда рақобат, рақобат муҳити ва рақобатбардошлик тушунчаларининг маъноси ва мазмуни аниқлаштирилди. Айтиш керакки, “рақобат” ва “рақобатбардошлик” тушунчалари замонавий иқтисодий адабиётда ўрганилган ва турлича қарашлар бўлса-да, улар бир-бирига зид эмас, балки бир-бирини тўлдириб келади. Масалан, М.Портер “Халқаро рақобат” деб номланган асарида: “Рақобат-янги товарлар, маркетингнинг янги йўллари, янги ишлаб чиқариш жараёнлари ва янги бозор сегментлари пайдо бўладиган динамик ва ривожланувчи жараён, узлуксиз ўзгарувчи ландшафт,”-деб таъриф беради [2,24]. Кўпчилик ҳолларда “рақобат” категориясига субъект томонидан ўз рақобат устунлигини самарадор ишлатиш ёрдамида лидерлик позициясига эришиши, деб қаралади.

Мисол учун Р.А. Фатхутдинов: “Рақобат-бу табиий ҳолатда ёки қонунлар доирасида объектив ва субъектив эҳтиёжларни қондириш учун рақобатчилар билан курашда ғалабага эришиш ё бошқа мақсадларда субъект томонидан ўз рақобат устунлигини бошқариш жараёни,”-деб таърифлайди [3,9]. Ўз навбатида “рақобатбардошлик”ни мусобақада ғолиб бўлиш имконияти, мувозанат, сифат, бозор шароитида фаолиятнинг ишончлилиги ва самарадорлиги билан боғлайдилар. Р.А. Фатхутдинов “рақобатбардошлик” деганда “мавжуд бозордаги объектнинг ўзига ўхшаш объектлар билан таққослаганда аниқ эҳтиёжни реал ва потенциал қондириш даражаси билан характерланадиган хусусияти”ни тушунади [4,23]. Майкл Портер эса рақобатбардошликни товар хизмат ёки бозор муносабатлари субъектининг бозорда мавжуд бўлган товарлар, хизматлар ва бозор муносабатлари субъектлари билан тенг намоён бўла оладиган хусусияти, деб тавсифлайди.

Рақобат бозор механизмининг ажралмас қисми бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлиги, маҳсулдорлиги генераторидир. Шунини тушуниш муҳимки, жараён сифатида рақобат маълум муҳитда юз беради. Ташкилотлар муҳитини тадқиқ этиш нуқтаи-назаридан хўжалик юритувчи субъектнинг ташқи-объектив муҳитини ўрганиш кўпроқ қизиқиш туғдиради. Чунки унда рақобатнинг бозор қонунлари тўлиқ намоён бўлади. Ташкилотнинг ташқи муҳити деганда ташкилотнинг шаклланиши ва ривожланишига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир этувчи омиллар ва шароитлар йиғиндиси тушунилади. Ташқи муҳит хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан объектив муҳит бўлиб, уларнинг хоҳишларига боғлиқ бўлмаган ҳолда таъсир қилади [5,с.480]

Юқорида келтирилган таърифда бирор бир жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, унинг характери ва алоҳида қирраларини белгиловчи омилларнинг йиғиндиси ҳақида сўз юритилмоқда. Ташқи муҳитни ташкил этувчи элементларни тадқиқ этаётиб, шунини таъкидлаш керакки, менежмент соҳасидаги мутахассислар бундай омилларнинг ўз рўйхатини келтирадилар.

Ташкилотнинг ташқи муҳити таҳлилини М.Портернинг “беш рақобатчи куч” назариясидаги ташкил этувчиларни кўриб чиқишдан бошлаймиз. Бу ташкил этувчилар тармоқни фойдалилигини белгилайди.

Қуйида асосий беш куч ва қатор омиллар келтирилган:

- харидорларнинг таъсири: харидолар концентрацияси, харидлар ҳажми, нархларга сезгирлик;
- етказиб берувчилар таъсири: етказиб берилаётган хом ашёдаги фарқ, ўтиш қиймати, ўрнини босувчи хом ашёнинг мавжудлиги, етказиб берувчи учун ҳажмнинг аҳамияти, умумий харидлар доирасидаги қийматлар;
- янги ўйинчиларнинг пайдо бўлиш хавфи, омиллар орқали таҳлил этилади: масштабларда иқтисод қилиш, товарларнинг дифференциацияси, марканинг машҳурлиги, сотиш тизимларига кириш;
- янги ўрнини босувчи маҳсулотлар хавфи: ўрнини босувчи маҳсулотлар нархлари, ўтиш қиймати, харидорларнинг ўрнини босувчи янги маҳсулотларни харид қилишга мойиллиги;
- мавжуд ўйинчилар ўртасидаги рақобат: тармоқдаги ўсиш, доимий ҳаражатлар, ортиқча қувватнинг мавжудлиги, ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларидаги фарқ, марканинг машҳурлиги, бозордан чиқиб кетишга тўғаноқлар.

М.Портер фикрича, беш рақобат кучларини эътиборга олган ҳолда, ташкилотнинг ташқи муҳитдаги стратегияси шаклланади. Ушбу концепция К.Боуменнинг ташқи муҳит омиллари моделида ўз ривожини топди.

М. Мексон ва К.Боумен ташқи муҳитнинг ташкилотга микро ва макро даражада таъсир этувчи омилларини ажратадилар ҳамда таъсир этишининг микро ва макромуҳитини фарқлайдилар [6, с.31].

А.Томпсон ва А.Стрикленд ташкилотнинг ички ва ташқи муҳити омилларини ажратадилар ва улар ташкилотнинг базавий стратегиясини шаклланиши тартибини белгилайдилар.

Д.Дей муҳитнинг уч даражасини кўрсатган: атроф муҳит, унинг таркибига сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик факторлар киради, бозор ҳолати ва бевосита рақобатчилар. Бозор ҳолатининг таҳлили бозор ҳажми ва унинг имкониятлари, талаб этиладиган фойда, ўрин босувчи маҳсулотлар, етказиб берувчилар, потенциал рақобатчилар, дистрибьютерлар тавсифини назарда тутди. Бевосита рақобатчилар таҳлили асосий фаолият юритиш кўрсаткичлари, қўлланиладиган стратегиялар ва ниятлар, шунингдек мавжуд имкониятлар асосида амалга оширилади. Ҳар қандай ташкилот ўзига ташқи муҳитда таъсир этувчи қайтарилмас, ўз инстенсивлигига кўра бир-биридан фарқ қилувчи омиллар йиғиндисига дуч келади. Ташкилотга ташқи муҳитнинг истеъмолчилар фаолияти, тақсимот каналлари ва хизмат кўрсатилаётган бозордаги рақобатчилар билан боғлиқ намоён бўлиши муҳимдир [7, с.125-127].

Кўриб чиқилган ташқи муҳит назариялари асосида, рақобат муҳитига таъриф беришимиз мумкин. Кенг маънода, рақобат муҳити-бу бирор бозор сегментининг “иқлими” ҳамда бу иқлимнинг ўзгариши ушбу бозорда фаолият юритаётган ташкилотлар учун аҳамиятли ҳаражатларга олиб келади [8, с.11]. Бирмунча тор маънода рақобат муҳити деганда бозор иштирокчиси бўлган барчага хўжалик юритишида тенг имкониятларни таъминлайдиган иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, сиёсий шароит ва омилларни тушуниш керак [9, с.144-145].

Функционаллик нуқтаи-назаридан **рақобат муҳити**-бу хулқ-атвори бозор иқтисодиёти қонунларининг объектив таъсири ва давлат томонидан тартибга келтирувчи чекловларнинг мажбурий шакли билан шартланган, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий шарт-шароитлар ва улар хўжалик фаолиятининг натижалари юзасидан ўзаро рақобат таъсирлари тизими ҳисобланади.

НАТИЖАЛАР

Тадқиқот натижасида “рақобат”, “рақобат муҳити”, “рақобатбардошлик” тушунчалари нафақат классик иқтисод мактаби изланишлари доирасида, балки қадимги дунё фалсафасида ҳам ўз талқинига эга бўлганлиги аниқланди.

“Рақобат”, “рақобат муҳити”, “рақобатбардошлик” тушунчалари ўзаро диалектик алоқадорлиги кўрсатилди.

МУҲОКАМА

“Рақобат”, “рақобат муҳити”, “рақобатбардошлик” тушунчалари, асосан, иқтисодий назария доирасида тадқиқ этилган бўлиб, ижтимоий-фалсафий жиҳатдан Ўзбекистонда Ш.Негматованинг “Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари” мавзусидаги докторлик диссертациясида ўрганилган ҳамда биосферадаги, жинсий оламдаги соғлом рақобат ҳодисаси тадқиқ этилган бўлиб, “рақобат муҳити” ва “рақобатбардошлик” тушунчалари билан алоқадорлиги қонуниятлари тадқиқ этилмаган.

Россиялик ва қатор хорижий тадқиқотчилар, асосан, “рақобат” тушунчасининг эволюциясини классик иқтисод мактаби асосчиси Адам Смит асарларидан иқтибослар келтиришдан бошлайдилар. Лекин тадқиқот натижасида маълум бўлишича, қадимги дунё фалсафаси “рақобат” тушунчасининг инсон ахлоқи ва ички дунёси билан боғлиқ талқинларини беради [10].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, замонавий Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг аъзоси сифатида рақобат майдонига кириб борар экан, “Рақобат”, “рақобат муҳити”, “рақобатбардошлик” тушунчаларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тушунчалар диалектик алоқадорликда бўлиб, бир-бирини тақозо этади.

REFERENCES

1. Антология мировой философии Т.1. М.: Мысль, 1969
2. Портер М. Международная конкуренция. М.: Международные отношения, 1993. 895 с.
3. Фатхутдинов Р. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление. М.: ИНФРА-М, 2000. 312 с.

4. Фатхутдинов Р. Управление конкурентоспособностью вуза // Высшее образование в России. 2006. № 9.
5. Портер М. Конкуренция: Пер. с англ. М., 2006.
6. Боумэн К. Основы стратегического менеджмента: Пер. с англ. / Под ред. Л.Г. Зайцева, М.И. Соколовой. М., 1997.
7. Дэй Д. Стратегический маркетинг. М., 2002
8. Букин С. Основные элементы конкурентных рынков // Босс. 2000.
9. Экономическая теория: Учебник / Под ред. А.Г. Гязновой, Т.В. Чечелевой. М., 2005. С. 144-145.
10. Хазиахметов, Б.З., Хазиахметов, А.З. (2010). Проблемы конкурентоспособности в современной экономике. Сравнительный анализ определений понятия “конкуренция”. Проблемы современной экономики, 1(33).
11. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahridin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.
12. Saifnazarov, I., Xujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.